

## 2 БЎЛИМ

### ПРЕФЕРЕНЦИАЛ КЕЛИБ ЧИҚИШ

#### 60 Модда

Мазкур бўлим мақсадлари учун 2015/2446 Делегирланган Регламентнинг 37 моддасида таърифланган атамалар қўлланади.

Преференциялар Бош тизими (ПБТ) схемаси бўйича бенефициар-мамлакат мажбуриятлари.

#### 70 Модда

Мажбурият REX тизими доирасида маъмурий ҳамкорликни таъминлайди (Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. ПБТ схемасини кераклича қўлланишини таъминлаш учун бенефициар-мамлакат қуйидаги мажбуриятларни олади:

(а) ушбу мамлакатда, мазкур бўлимнинг кичик бўлими ва 3-9 кичик бўлимлари ва (ЕИ) 2015/2446 Делегирланган Регламентнинг 2 Бўлими 1 Боб II бўлимининг 2 ва 3 кичик бўлимларида ифодаланган қоида ва процедураларни амалга ошириш ва бошқариш учун зарур бўлган маъмурий структура в тизимларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жумладан, зарур бўлганда кумуляцияни қўллаш учун зарур бўлган чораларни кўриш;

(b) уларнинг ваколатли органлари Комиссия ва аъзо-давлатларнинг божхона органлари билан ҳамкорлик қилади.

2. 1- банднинг (b) бандида кўрсатилган ҳамкорлик қуйидагилардан иборат:

(c) Комиссия томонидан тегишли мамлакатда ПБТ схемасининг кераклича бошқарилишини мониторинг қилиниши тўғрисидаги Комиссиянинг илтимосига кўра, барча зарурий ёрдамларни кўрсатиш, жумладан, Комиссия ёки аъзо-мамлакатларнинг божхона органлари жойига назорат чиқишлар қилиш;

(d) Комиссия ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари сўровномасига биноан келиб чиқишни текшириш контекстида, мазкур Қоидаларнинг 108 ва 109 моддаларига зарар етказмаган ҳолда, товарларнинг келиб чиқиши ва мазкур бўлимнинг 3-9 кичик бўлимлари ва (ЕИ) 2015/2446 Делегирланган Регламентнинг 2 Бўлими 1 Боб II бўлимининг 2 ва 3 кичик бўлимларида келтирилган бошқа шартларга мувофиқлигини текшириш, жумладан, жойларга чиқишлар қилиш.

3. Рўйхатга олинган экспортёрлар тизимини қўллаш ҳуқуқига эга бўлиш учун, бенефициар-мамлакатлар Комиссияга, улар экспортёрларни рўйхатга ола бошлайдиган санадан камида 3 ой олдин, 1 параграфда келтирилган мажбуриятларни тақдим этишлари керак

4. Агар мамлакат ёки ҳудуд Европа парламенти ва Иттифоқ (1) нинг №978/2012 (ЕИ) Регламентига II Иловадан чиқариб ташланган бўлса, 2015/2446 (ЕИ)

Делегирланган Регламентининг 55(8) моддалари ва мазкур Регламентнинг 72,80 ва 108 моддаларида ифодаланган, маъмурий ҳамкорлик бўйича мажбуриятлар, аввалгидек шу мамлакатга ёки ҳудудга, улар мазкур илонадан чиқариб ташланган санадан бошлаб 3 йил давомида қўлланади.

## 71 модда

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини ва счет-фактуралардаги декларацияларни қўллаш билан қилинадиган экспорт борасида қўлланадиган маъмурий ҳамкорлик процедуралари ва усуллари

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Ҳар бир бенефициар-мамлакат қуйидагиларга риоя қилиши ёки қилинишини таъминлаши керак:

(а) 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламентининг 1 боби II бўлими 2 кичик бўлимида келтирилган экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги қоидаларига;

(б) А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини тўлдириш ва бериш қоидаларига;

(с) 22-09 Иловада келтирилган талабларга мувофиқ тўлдирилиши лозим бўлган, счет-фактуралардаги декларацияларни ишлатиш тўғрисидаги қоидаларга;

(д) мазкур Қоидаларнинг 73 моддасида келтирилган, хабарлаш бўйича мажбуриятларга оид қоидаларга;

(е) Кодекснинг 64(б) моддасида кўрсатилган, четланишларни тақдим этишга оид қоидаларга.

2. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари Комиссия ёки аъзо-мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиши керак, хусусан:

(а) Комиссия томонидан тегишли мамлакатда ПБТ схемасининг кераклича бошқарилиши устидан мониторинг қилиниши тўғрисидаги Комиссиянинг илтимосига кўра барча зарурий ёрдамни кўрсатиш, жумладан Комиссия ёки аъзо-мамлакатларнинг божхонаси жойига назорат чиқишлар қилиш;

(б) Комиссия ёки аъзо-мамлакатларнинг божхона органлари томонидан келиб чиқишни текшириш доирасида мазкур Қоидаларнинг 73 ва 110 моддаларига зиён етказмаган ҳолда, маҳсулотнинг келиб чиқиш мақомини ва мазкур бўлимнинг 3-9 кичик бўлимларида ва 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламенти 2Бўлими 1 Боби II бўлими 2 ва 3 кичик бўлимларида ифодаланган бошқа шартларга мувофиқлигини текшириш, жумладан жойларга чиқиб.

3. Агар бенефициар-мамлакатда А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини бериш учун ваколатли орган тайинланган бўлиб, келиб чиқиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ва Иттифоққа экспорт қилиш учун А шаклдаги келиб чиқиш тўғрисидаги сертификат берилган бўлса, бу бенефициар-мамлакат 1 бандда келтирилган шартларни қабул қилди деб ҳисобланади.

4. Мамлакат №978/2012 (ЕИ) Регламентида кўрсатилган товарлар борасида бенефициар-мамлакат сифатида қабул қилинса ёки қайта қабул қилинса, бу мамлакатдан келиб чиқадиган товарлар, улар бенефициар-мамлакатдан мазкур

Регламентнинг 73(2) моддасида кўрсатилган санасига ёки санасидан кейин экспорт қилинган бўлиши шарти билан, преференцияларнинг умумий тизимидан фойдаланиши керак.

5. Агар мамлакат ёки ҳудуд №978/2012 (ЕИ) Регламентининг II Иловасидан чиқариб ташланган бўлса, 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламентининг 55 Моддаси ва мазкур Регламентнинг 110 ва 111 моддаларида белгиланган, маъмурий ҳамкорликни таъминлаш бўйича мажбурият шу мамлакат ёки ҳудудда шу иловадан чиқариб ташланган санадан бошлаб 3 йил давомида аввалгидек бу мамлакат ёки ҳудудга қўлланади.

6. 5 бандда кўрсатилган мажбуриятлар 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил давомида Сингапурга қўлланади.

## **72 Модда**

Рўйхатдан ўтган экспортёр тизими (REX) қўлланган санадан сўнг қўлланадиган хабарлаш бўйича мажбуриятлар

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Бенефициар-мамлакатлар Комиссияни улар мамлакатларида жойлашган ваколатли органларнинг номлари, манзиллари ва алоқа қилиш маълумотларини хабар қилишлари керак, бу органлар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

(а) тегишли мамлакат ҳукумат органларининг бир қисми ёки унинг ҳукумати раҳбарлиги остида ҳаракат қилади ва экспортёрларни REX тизимида рўйхатга олиш, рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартириш ёки янгилаш, рўйхатга олишни бекор қилиш ваколатига эга;

(б) мазкур бўлимнинг 3-9 кичик бўлимлари ва мазкур регламентнинг 2 ва 3 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) делегирланган регламентининг 1 Бобининг II бўлимида кўзда тутилганидек, Комиссия ва аъзо-давлатларнинг божхона органлари билан маъмурий ҳамкорликни таъминлашга масъул бўлган тегишли мамлакат ҳукумат органининг бир қисми.

2. Хабар бенефициар-мамлакатлар экспортёрларни рўйхатга олишни бошламоқчи бўлган санадан 3 ойдан кечиктирмай Комиссияга юборилади.

3. Бенефициар-мамлакатлар биринчи бандга мувофиқ тақдим этилган маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида зудлик билан Комиссияга хабар беришлари керак.

## **73 Модда**

Рўйхатдан ўтган экспортёр тизимини (REX) қўллаш санасига қадар қўлланадиган хабарлаш бўйича мажбуриятлар

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Бенефициар-мамлакатлар Комиссияга ўз ҳудудларида жойлашган, А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини бериш ваколатига эга бўлган, шунингдек, шу органлар қўллайдиган муҳр оттисклари, А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ва счет-фактуралардаги декларацияларни текшириш учун масъул бўлган тегишли ҳукумат органларининг номлари ва манзилларини хабар қилишлари керак.

Комиссия бу маълумотларни аъзо-далатларнинг божхона органларига юборади. Бу маълумот аввалгисига тузатиш доирасида юборилганда, Комиссия бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли ҳукумат органлари томонидан берилган, тегишли йўриқномаларга мувофиқ, шу янги муҳрларнинг амалга киритилиш санасини кўрсатади. Бу маълумот расмий тарзда ишлатилишга мўлжалланган; бироқ, товарлар эркин муомалага чиқарилиши керак бўлганда, тегишли божхона органлари импортёрга муҳр оттиски намуналари билан танишиб чиқишга рухсат этади.

1 кичик бандга мувофиқ маълумотларни тақдим этган бенефициар-мамлакатлар, агар ўзгаришлар содир этилмаган бўлса, уларни такрор тақдим этишга мажбур эмас.

2. Мазкур Регламентнинг 71(4) моддасининг мақсадлари учун Комиссия ўзининг веб-сайтида, №978/2012 (ЕИ) Регламентда кўрсатилган товарлар борасида, бенефициар-мамлакат сифатида тан олинган ёки қайта тан олинган мамлакат мазкур модданинг 1 бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажарган санани чоп этади.

### 3 Кичик бўлим

Иттифоқнинг ПБТ схемаси доирасида, рўйхатга олинган экспортёр тизимининг қўллангунига қадар, бенефициар-мамлакатлар ва Иттифоқда экспорт қилишдаги процедуралар

#### 74 Модда

А шаклдаги келиб чиқиш тўғрисидаги сертификатни бериш тартиби

(Кодекснинг 64 моддаси 1 банди)

1. А шаклдаги келиб чиқиш сертификати, экспорт қилинаётган маҳсулот А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини бериш учун қўйилган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи исталган бошқа тегишли ҳужжатлар қўшилган ҳолда, экспортёр ёки унинг вакилининг ёзма аризасига биноан берилади. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари 22-08 иловада кўрсатилган шакл бўйича берилади.

2. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари экспортёрга А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини экспорт амалга ошириган ёки таъминланган заҳоти беришлари керак. Бироқ, бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини шунингдек у тегишли бўлган маҳсулот экспорт қилиниб бўлгандан сўнг ҳам беришлари мумкин, агар:

(а) у хатолар, атайин қилинмаган камчиликлар ёки ўзига хос вазиятлар сабабли вақтида берилмаган бўлса; ёки

(б) ваколатли органлар А шаклдаги келиб чиқиш сертификати берилганлигини, лекин техник сабабларга кўра импорт вақтида қабул қилинмаганлигини исботласа; ёки

(с) 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентининг 43 моддасига мувофиқ тегишли маҳсулотларнинг етказилиши мўлжалланган охириги пункти уларни транспортировкалаш ёки сақлаш вақтида ва юк ажратилганидан сўнг белгиланган бўлса.

3. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари сертификатни, экспортёр томонидан репреспектив бериладиган келиб чиқиш сертификатига берилган аризасидаги маълумот экспорт хужжатларидаги маълумотга мувофиқлиги ва А шаклдаги сертификати техник сабабларга кўра қабул қилинмаган ҳолдан ташқари, А шаклдаги келиб чиқиш сертификати кўриб чиқиладиган маҳсулотни экспорт қилишда берилмаганлиги текшириб бўлинган заҳоти, репреспектив бериши мумкин. “Репреспектив берилган”, ‘Issued retrospectively’ сўзлари, репреспектив берилган А шаклдаги келиб чиқиш сертификатидаги 4 параграфда кўрсатилиши керак.

4. А шаклдаги келиб чиқиш сертификати ўғирланган, йўқотилган ёки йўқ қилинган ҳолда, экспортёр сертификатни берган ваколатли орган ундаги бор экспорт хужжатлари асосида сертификатнинг дубликатини бериш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин. “Дубликат”, ‘Duplicate’, оригинал сертификатнинг берилиш санаси ва серия рақами А шаклдаги келиб чиқиш сертификати дубликатининг 4 параграфда кўрсатилиши керак. Дубликат оригинал амал қилиш санасидан бошлаб кучга киради.

5. А шаклдаги келиб чиқиш сертификати сўралаётган маҳсулот келиб чиқишнинг тегишли қоидаларига мувофиқлигини текшириш мақсадида ваколатли ҳукумат органлари исталган хужжатли далилларни талаб қилиш ёки улар лозим деб топган исталган текширувни ўтказиш ҳуқуқига эга.

6. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатининг 2 ва 10 графаларни тўлдириш мажбурий эмас. 12 графада “Иттифоқ” ёки аъзо-давлатлардан бошқа борортаси кўрсатилиши керак. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатининг берилиш санаси 11 графада кўрсатилади. Сертификатни берган ваколатли ҳукумат органлари учун заҳира қилинган бу графада кўрсатилиши керак бўлган имзо, шунингдек, 12 графада экспортёр қўйган имзо қўлда қўйилган бўлиши керак.

## **75 Модда**

Инвойсда декларацияни тузиш шартлари

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Инвойсдаги декларация бенефициар-мамлакатда фаолият юритаётган исталган экспортёр томонидан, ичида умумий қиймати 6 000 еурдан ошмайдиган, келиб чиққан маҳсулотлар бўлган бир ёки бир нечта упаковкадан иборат бўлган исталган партия учун ва бу процедурага мазкур Қоидаларнинг 64(2) моддасида кўрсатилган маъмурий ҳамкорлик қўлланиши шарти билан, расмийлаштирилиши мумкин.

2. инвойсдаги декларацияни тузаётган экспортёр исталган вақтда эспортёр-мамлакатнинг божхонаси ёки бошқа ваколатли ҳукумат органлари талабларига биноат тегишли товарларнинг келиб чиқиш мақомини тасдиқловчи барча тегишли хужжатларни тақдим этишга тайёр бўлиши керак.

3. инвойсдаги декларация экспортёр томонидан француз, инглиз ёки испан тилида чоп этиш, счет-фактура, накладной ёки исталган бошқа тижорат хужжатида, матни 22-09 Иловада келтирилган декларацияга муҳр босиш йўли билан амалга оширилиши керак. Агар декларация қўлда ёзилган бўлса, у сиёҳда босма ҳарфлар билан ёзилган бўлиши керак. Инвойсдаги декларацияда экспортёрнинг оригинал имзоси бўлиши керак.

4. Инвойсдаги декларациянинг қўлланиши қуйидаги шартлар билан тартибга солинади:

(a) инвойсдаги битта декларация ҳар бир партия учун расмийлаштирилиши керак;

(b) агар партия ичидаги товарлар экспорт қилувчи мамлакатда “келиб чиққан маҳсулотларни” аниқлашга ҳавола этиш билан текширувдан ўтган бўлса, экспортёр инвойсдаги декларацияда шу текширувга ҳавола қилиши мумкин

#### **76 Модда**

Кумуляция ҳолатида А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини бериш шартлари

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентининг 53,54,55 ёки 56 моддаларига мувофиқ кумуляция қўлланган ҳолда, ишлаб чиқарилишида кумуляция рухсат этилган мамлакатдан келиб чиққан материаллар ишлатилган маҳсулот учун, бенефициар-мамлакатларнинг А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини беришга ваколатли бўлган органлари қуйидагиларга таянишлари керак:

(a) икки томонлама кумуляцияда – экспортёр етказиб берувчиси тақдим этган ва мазкур Қоидаларнинг 77 моддаси қоидаларига мувофиқ берилган келиб чиқиш далилига;

(b) Норвегия, Швейцария ва Трукич билан кумуляция ҳолида – экспортёр етказиб берувчиси тақдим ва Норвегия, Швейцария ёки Туркиянинг келиб чиқиш қоидаларига мувофиқ берилган этган келиб чиқиш далилига;

(c) худудий кумуляцияда – экспортёр етказиб берувчиси тақдим этган келиб чиқишни тасдиқловчи ҳужжат асосида, айнан, 22-08 Иловага мувофиқ шаклда берилган А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини ёки вазиятга қараб матни 22-09 Иловада келтирилган, инвойсдаги декларацияга;

(d) кенгайтирилган кумуляцияда – экспортёр етказиб берувчиси тақдим этган ва Иттифоқ ва тегишли мамлакат ўртасида эркин савдо тўғрисидаги тегишли битим қоидаларига мувофиқ берилган келиб чиқишни тасдиқловчи ҳужжатларга.

Биринчи кичик банднинг (a), (b), (c) ва (d) бандларида кўрсатилган ҳолларда, А шаклдаги келиб чиқиш сертификатининг 4 параграфида, вазиятга қараб, қуйидагилар бўлиши керак:

- «ЕИ кумуляцияси», «Норвегия кумуляцияси», «Швейцария кумуляцияси», «Турция кумуляцияси», «худудий кумуляция», «х мамлакат билан кенгайтирилган кумуляция»

‘EU cumulation’, ‘Norway cumulation’, ‘Switzerland cumulation’, ‘Turkey cumulation’, ‘regional cumulation’, ‘extended cumulation with country x

#### **77 Модда**

Икки томонлама кумуляция ва тасдиқланган экспортёр мақсадида Иттифоқ маҳсулотларининг келиб чиқиш мақомини тасдиқлаш

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Иттифоқ маҳсулотларининг келиб чиқишини тасдиқлаш қуйидагилардан бирини тақдим этиш билан амалга оширилади:

(а) 22-10 Иловада кўрсатилган шаклда берилган, EUR.1 кўчиш сертификатини расмийлаштириш; ёки

(б) матни 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламентига 22-09 Иловада келтирилган инвойсда декларация тузиш. Инвойсдаги декларация, исталган экспортёр томонидан, умумий қиймати 6000 евродан ошмайдиган маҳсулотлардан иборат бўлган ёки Иттифоқ экспортёри томонидан тасдиқланган, исталган партиялар учун расмийлаштирилиши мумкин.

2. Экспортёр ёки унинг вакили EUR.1 кўчиш тўғрисидаги сертификатнинг 2 графасига “ПБТ нинг бенефициар-мамлакатлари” ва «EU» ёзувларини киритишлари керак.

3. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатларини бериш, ишлатиш ва кейинги текширишга оид бўлган, мазкур кичик бўлим, мазкур ўлимнинг 3-9 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламентнинг 1 боби II бўлими 2 ва 3 кичик бўлимларининг қоидалари EUR.1 кўчиш сертификатларига *mutatis mutandis* ва уларни беришга оид қоидалардан ташқари, инвойсдаги декларацияларга қўлланиши керак.

4. Аъзо-давлатларнинг божхона органлари, Иттифоқ божхона ҳудудида таъсиси этилган, исталган экспортёрни ваколатли қилиши мумкин “бундан буён тасдиқланган экспортёр деб номланади”, у Иттифоқдан келиб чиқадиган товарларни икки томонлама кумуляция доирасида тез-тез етказиб бериб туради, тегишли товарларнинг қийматидан қатъий назар, инвойсларда декларацияларни амалга оширади, агар божхона органларини қониқтириш учун бу экспортёр қуйидагиларни текшириш учун зарур бўлган барча кафолатларни тақдим этади:

(а) маҳсулотнинг келиб чиқиш мақомини;

(б) ушбу аъзо-мамлакатда қўлланадиган бошқа талабларнинг бажарилишини.

5. Божхона органлари улар мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳар қандай шартлар асосида тасдиқланган экспортёр мақомини бериши мумкин. Божхона органлари тасдиқланган экспортёрга инвойсда кўрсатиладиган божхона рухсатномасининг рақамини тақдим этади.

6. Божхона органлари тасдиқланган экспортёр рухсатномани ишлатишини назорат қилади. Божхона органлари исталган вақтда рухсатномани бекор қилиши мумкин.

Улар қуйидаги ҳар бир ҳолда рухсатномани бекор қилиши керак:

(а) тасдиқланган экспортёр 4 бандда кўрсатилган кафолатларни бошқа тақдим тақдим этмаганда;

(б) тасдиқланган экспортёр 5 параграфда кўрсатилган шартларни бажармаганда;

(с) тасдиқланган экспортёр рухсатномадан кераклича фойдаланмаганда.

7. Тасдиқланган экспортёрдан инвойслардаги декларацияларни имзолаш талаб этилмайди, агар тасдиқланган экспортёр инвойсдаги декларация учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни божхона органларига тақдим этса, бу мажбуриятда у ўз қўли билан имзо қўйган тасдиқланган экспортёр сифатида кўрсатилади.

#### 4 Кичик бўлим

Экспортёр рўйхатга олинган тизим қўлланган санадан бошлаб қўлланадиган, Иттифоқ ПБТ схемаси доирасида қўлланадиган, бенефициар-мамлакатлар ва Иттифоқда экспорт қилишдаги процедуралар

### 78 Модда

Рўйхатга олиш учун экспортёр учун мажбурият ва уни рад этиш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. ПБТ схемаси қуйидаги ҳолларда қўлланади:

(а) тасдиқланган экспортёр томонидан экспорт қилинаётган, мазкур кичик бўлим, мазкур бўлимнинг 3-9 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) делегирланган регламентининг 1 боби 1 бўлими 2 ва 3 кичик бўлимларининг талабларини қондирган товарларга;

(б) ичида келиб чиққан маҳсулотлар бўлган, бир ёки бир нечта упаковкадан иборат бўлган, исталган экспортёр томонидан экспорт қилинган, жўнатилган келиб чиққан маҳсулотларнинг умумий қиймати 6 000 евродан ошмаган, исталган партияга;

2. Партиядаги келиб чиққан маҳсулотларнинг қиймати – бу битта партия ичидаги барча келиб чиққан муҳсулотларнинг қиймати бўлиб, экспорт қилинаётган мамлакатда расмийлаштирилган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ариза унга ҳам тегишли бўлади.

### 79 Модда

Бенефициар-мамлакатларда рўйхатга олиш процедураси ва рўйхатдан ўтган экспортёр тизимини қўллашга ўтиш даври ичида қўлланадиган, экспорт қилишдаги процедуралар

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Бенефициар-мамлакатлар рўйхатдан ўтишни 2017 йилнинг 1 январидан бошлайдилар. Бироқ, бенефициар-мамлакат шу санада рўйхатдан ўтиш имконига эга бўлмаса, у 2016 йилнинг 1 июлига қадар, у экспортёрларни рўйхатга олишни 2048 йилнинг 1 январигача ёки 2019 йилнинг 1 январигача қолдириши тўғрисида Комиссияни ёзма хабардор қилиши керак.

2. Бенефициар-мамлакат экспортёрларни рўйхатга ола бошлаган санадан 12 ой ичида шу бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари А шаклдаги келиб чиқиш сертификатларини, сертификат сўралган санада ҳали рўйхатга олинмаган экспортёрларнинг аризасига биноан беришда давом этадилар.



Мазкур Қоидаларнинг 94(2) моддасига зиён етказмаган ҳолда, мазкур банднинг 1 кичик бандига мувофиқ берилган А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари Иттифоқда келиб чиқиш далили сифатида ишлатилишга йўл қўйилади, агар улар манфаатдор экспортёрларнинг рўйхатдан ўтиш санасигача берилган бўлса.

Юқорида кўрсатилган 12 ойли давр ичида рўйхатга олиш жараёнида қийинчиликларга дуч келган, бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари уни узайтириш тўғрисида Комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

3. Рўйхатдан ўтган ўтмаганлигидан қатъий назар, бенефициар-мамлакатдаги экспортёрлар жўнатилаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги аризани расмийлаштириши керак, агар бенефициар-мамлакат экспортёрларни рўйхатга ола бошламоқчи бўлган санада уларнинг умумий қиймати 6 000 еврдан ошмаса.

Рўйхатдан ўтгач экспортёрлар жўнатилаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларацияни тузадилар, агар мазкур Регламентнинг 86 моддаси 4 бандига мувофиқ улар рўйхатдан ўтган санада уларнинг қиймати 6000 евродан ошмаса.

4. Барча бенефициар-мамлакатлар 2020 йилнинг 30 июнидан кечиктирмай рўйхатга олинган экспортёрлар тизимини қўллашлари керак.

5 Кичик бўлим

### **80 Модда**

Рўйхатга олинган экспортёрлар маълумотларининг базаси: ваколатли органларнинг мажбуриятлари

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Комиссия, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашга ваколатли бўлган, экспортёрларни рўйхатга олиш тизимини тузиши (система REX) ва уни 2017 йилнинг 1 январига қадар тақдим этиши керак.

2. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли ва аъзо-давлатларнинг божхона органлари 22-06 Иловада кўрсатилган буюртманинг тўлиқ шаклини олганларидан сўнг экспортёрга ёки зарур бўлганда товарни қайта жўнатувчига рўйхатга олинган экспортёр рақамини беради ва Қоидаларнинг 86(4) моддаларига мувофиқ рўйхатга олинган экспортёр рақами, рўйхатга олиш маълумотлари ва мазкур рўйхатга олиш кучга кирган санани REX тизимига киритади.

Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатлари органлари ёки аъзо-мамлакатларнинг божхона органлари экспортёрларни ёки зарур бўлганда товарни қайта жўнатувчини экспортёрга ёки товар жўнатувчига берилган рўйхатга олинган экспортёр рақами ва рўйхатга олиш кучга кирган сана тўғрисида хабардор қилиши керак.

3. Агар ваколатли органлар буюртма бўйича тақдим этилган маълумотлар тўлиқ эмас деб ҳисобласа, улар бу ҳақад зудлик билан экспортёрни хабардор қилиши керак.

4. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатлари органлари ёки аъзо-мамлакатларнинг божхона органлари улар рўйхатга олган маълумотларни янгилаб туришлари керак. Улар мазкур Қоидаларнинг 89 моддасига мувофиқ

рўйхатга олинган экспортёрлар томонидан хабардор қилинишлари билан бу маълумотларни ўзгартиришлари керак.

### **81 Модда**

Айрим қоидаларни қўллаш санаси

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Бенефициар-мамлакат экспортёрларни REX тизимида рўйхатга ола бошлаганда, мазкур Қоидаларнинг 70, 72, 78–80, 82–93, 99–107, 108, 109 ва 112 моддалари шу бенефициар-мамлакатда REX тизимида рўйхатдан ўтган экспортёрлар томонидан қилинаётган товарлар экспортига қўлланади. Иттифоқ экспортёрлари борасида эса, бу моддалар 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланиши керак.

2. Мазкур Қоидаларнинг 71, 73, 74–77, 94–98 ва 110–112 моддаларибенефициар-мамлакатда REX тизимида рўйхатдан ўтмаган экспортёрларнинг товар экспортига қўлланади. Иттифоқ экспортёрлари борасида эса, бу моддалар 2017 йилнинг 31 декабрига қадар қўлланиши керак.

### **82 Модда**

Рўйхатга олинган экспортёрларнинг маълумотлар базаси: маълумотлар базасига кириш ҳуқуқи

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. Комиссия REX тизимига кириш мазкур моддага мувофиқ амалга оширилишини таъминлаши керак.

2. Комиссия барча маълумотлар билан таниши имконига эга бўлиши керак.

3. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатлари органлари улар рўйхатга олган экспортёрларга тегишли бўлган барча маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

4. Аъзо-давлатларнинг божхона органлари ўзлари, бошқа аъзо-давлатларнинг божхона органлари ва бенефициар-мамлакатлар, шунингдек Норвегия, Швейцария ва Туркиянинг ваколатли органлари томонидан рўйхатга олинган маълумотлардан фойдаланиш рухастига эга бўлишлари керак. Маълумотларга бундай рухсат Кодекснинг 188 моддасига мувоиқ бошхона декларацияларини текшириш ёки Кодекснинг 48 моддасига мувофиқ товар чиқарилгандан сўнг назоратни амалга ошириш мақсадида амалга оширилади.

5. Комиссия бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органларига REX тизимига хавфсиз киришларини таъминлаши керак.

6. Агар мамлакат ёки ҳудуд №978/2012 (ЕИ) Регламентининг IIIловасидан чиқариб ташланган бўлса, унинг ваколатли органларининг REX тизимига кириш имкони, мазкур Қоидаларнинг 70 моддасига мувофиқ улар ўз мажбуриятларини бажариш учун талаб этилган муддатга сақланиши керак.

7. Комиссия, 22-06 Иловада кўрсатилган форманинг 6 графасида имзо қўйган экспортёр розилиги билан жамоатчиликка қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

- (a) рўйхатдан ўтган экспортёр номи;
  - (б) рўйхатдан ўтган экспортёрнинг юридик манзили;
  - (c) 22-06 Иловада кўрстаилган форманинг 2 графасида келтирилган алоқа қлиш маълумотлари
  - (d) преференциал режим тегишли бўлган товарларнинг тахминий таърифи, жумладан 22-06 Иловада келтирилга шаклнинг 4 параграфида кўрсатилган Уйғунлашган тизим позицияларининг тахминий рўйхати;
  - (e) рўйхатдан ўтган экспортёр EORI рақами ёки трейдернинг идентификацион рақами ИНН (TIN).
- 6 графада имзо қўйишдан бош тортиш экспортёрни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлмади
8. Комиссия доим жамоатчиликка қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:
- (a) рўйхатдан ўтган экспортёрнинг рақами;
  - (б) рўйхатга олинганлик кучга кирган сана;
  - (c) рўйхатга олинганлик бекор қилинган сана, бу қўлланадиган жрида;
  - (d) рўйхатга олинганлик Норвегия, Швейцария ва Трукияга қилинадиган экспортга ҳам тегишли ёки тегишли эмаслиги тўғрисидаги маълумот;
  - (e) REX тизими ва жамоатчилик веб-сайти охири синхронлаштирилган сана.

### **83 Модда**

рўйхатдан ўтган экспортёрларнинг маълумотлар базаси: маълумотларни  
ҳимоялаш

(Кодекс 64 моддасининг 1 банди)

1. REX тизимида рўйхатга олинган маълумотларга ишлов бериш фақат шу кичик бўлимда келтирилган ПБТ схемасини қўллаш мақсадлари учун амалга оширилиши керак.
  2. Рўйхатдан ўтган экспортёрга, Европа Парламенти ва Иттифоқнинг №45/2001 (ЕИ) Регламентининг 11(1)(a)-(e) моддаларида ёки Еворпа парламенти ва Иттифоқнинг 95/46/ЕС Директивасининг 10 Моддасида келтирилган маълумотлар тақдим этилиши керак. Бундан ташқари, уларга шунингдек қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши керак:
    - (a) маълумотлар мўлжалланган ишлов бериш операцияларининг ҳуқуқий асосларига тегишли бўлган ахборот;
    - (б) маълумотларни сақлаш муддати.
- Рўйхатдан ўтган экспортёрларга бу маълумотлар, 22-06 Иловада кўрсатлганидек, рўйхатдан ўтиш учун берилган аризага илова қилинаётган хабарнома воситасида тақдим этилиши керак.

3. REX тизимига маълумотларни киритган бенефициар-мамлакатдаги ҳар бир ваколатли орган ва аъзо-давлатдаги ҳар бир божхона органи бу маълумотларга ишлов беришда назорат қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтган экспортёр ўз ҳуқуқларига эга бўлишини кафолатлаш учун Комиссия барча маълумотларга ишлов беришда бирга назоратчи бўлиб ҳисобланиши керак.

4. Рўйхатдан ўтган экспортёрларнинг REX тизимида сақланадиган ва миллий тизимларда ишлов бериладиган, маълумотларга ишлов бериш борасидаги 22-06 Иловада санаб ўтилган ҳуқуқлари, 95/45/ЕИ Директивасини амалга оширувчи, ўз маълумотларини сақлаётган аъзо-давлатнинг маълумотларни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши керак.

5. REX тизимига киришга рухсати бўлган, ўзларининг миллий тизимларида маълумотларни копия қилувчи аъзо-давлатлар, копия қилинган маълумотларни долзарб ҳолатда тутиб туришлари керак.

6. Рўйхатдан ўтган экспортёрларнинг рўйхатга олинган маълумотларининг Комиссия томонидан ишлов берилиши борасидаги ҳуқуқлари (Е) № 45/2001 Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

7. Рўйхатдан ўтган экспортёрнинг маълумотлардан фойдаланишга кириш, тузатиш, ўчириб ташлаш ёки блоклашга қилган ҳар қандай сўрови №45/2001 (ЕИ) Регламентига мувофиқ маълумотлар назоратчиси томонидан тақдим этилиши ва ишлов берилиши керак.

Агар рўйхатдан ўтган экспортёр бундай сўровни, маълумотлар назоратчисидан ўз ҳуқуқларини олишга ҳаракат қилмасдан, Комиссияга топширган бўлса, Комиссия бу сўровни рўйхатдан ўтган экспортёр маълумотлари назоратчисига юборади.

Агар рўйхатдан ўтган экспортёр маълумотлар назоратчисидан ўз ҳуқуқларини ололмаса, рўйхатдан ўтган экспортёр бундай сўровни назоратчи сифатидаги Комиссияга бериши керак. Комиссия маълумотларни тузатиш, ўқириш ёки блоклаш ҳуқуқига эга.

8. Ҳар бири ўз ваколати доирасида ҳаракат қилувчи, маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича миллий назорат органлари ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича Европа супервизори ҳамкорлик қилиши ва рўйхатга олинган маълумотларни мувофиқлаштирилган назоратини таъминлаши керак. Уларнинг ҳар бири, ўз ваколат доирасида ҳаракат қилиб, тегишли маълумотлар билан алмашинадилар, тафтиш ва инспекцияларни ўтказишда бир бирларига ёрдам берадилар, мазкур регламентни талқин этиш ёки қўллашда учрайдиган қийинчиликларни ўрганадилар, мустақил назоратни ўтказиш ёки маълумот субъектларининг ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммоларни ўрганадилар, ҳар қандай муаммоларни биргаликда ҳал қилишда келишилган таклифлар тузадилар ва зарурат туғилганда маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари тўғрисида хабардор бўлишга кўмаклашади.

## **84 Модда**

(REX) рўйхатдан ўтган экспортёр тизимини жорий қилиш учун аъзо-давлатларга қўлланадиган, хабарлаш бўйича мажбуриятлар

(Кодекснинг 64 (1) моддаси).

Аъзо-мамлакатлар Комиссияни ўз божхона органларининг номи, манзили ва алоқа қилиш маълумотларини маълум қилиши керак, бу божхона органлари қуйидагиларни амалга оширади:

(а) REX тизимида товар экспортёрлари ва қайта жўнатувчиларини рўйхатга олиш, рўйхатга олинган маълумотларни ўзгартириш ва янгилаш, шунингдек рўйхатга олингаликни бекор қилиш;

(б) шу бўлимда, шу бўлимнинг 3-9 кичик бўлимларида ва 2015/2446 (ЕИ) делегирланган регламентнинг 1 боби 1 бўлими 2 ва 3 кичик бўлимларида кўзда тутилганидек, бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари билан маъмурий ҳамкорлини таъминлаш учун жавобгар.

Хабар Комиссияга 2016 йилнинг 30 сентябригача юборилиши керак.

Аъзо-мамлакатлар Комиссияни биринчи бандга мувофиқ кўрсатилган маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши керак.

## **85 Модда**

Бенефициар-мамлакатларда рўйхатга олиш процедураси ва рўйхатдан ўтган экспортёр тизимини қўллашга ўтиш даври ичида қўлланадиган, экспорт қилишдаги процедуралар

(Кодекснинг 64 (1) моддаси).

1. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб аъзо-давлатларнинг божхона органлари улар ҳудуди тузилган экспортёрларни рўйхатга олишни бошлайди.

2. 2018 йилнинг 1 январидан барча аъзо-давлатлардаги божхона органлар, 2015/2446 делегирланган регламентнинг 53 моддасига мувофиқ кумуляция мақсадида EUR.1 кўчиш сертификатларини беришни тўхтатади.

3. 2017 йилнинг 31 декабригача аъзо-давлатларнинг божхона органлари ҳали рўйхатга олинмаган экспортёрлар ёки қайта жўнатувчиларнинг талабларига биноан EUR.1 кўчиш сертификатларини ёки А шаклдаги алмаштирилган келиб чиқиш сертификатларини берадилар. Бу шунингдек, Иттифоққа жўнатилаётган келиб чиқадиган товарларга, рўйхатдан ўтган экспортёр томонидан бенефициар-мамлакатда қилинган келиб чиқиш тўғрисидаги аризалар бўлганда ҳам қўлланади.

4. Иттифоққа экспорт қилаётганлар, рўйхатга олинган олинмаганидан қатъий назар, 2017 йилнинг 1 январидан жўнатилаётган келиб чиққан товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги аризани расмийлаштириши керак, агар уларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошмаса.

Рўйхатдан ўтган экспортёрлар жўнатилаётган келиб чиққан товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларацияни тузадилар, мазкур регламентнинг 86 моддаси 4 бандига мувофиқ уларнинг рўйхатга олиниши кучга эга бўлган санадаги уларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошмаса.

5. Товарнинг рўйхатга олинган қайта жўнатувчилари мазкур регламентнинг 86 моддаси 4 бандига мувофиқ уларнинг рўйхатга олиниши кучга эга бўлган санадан

экспортёрнинг аризаси асосида ўзининг келиб чиқиш тўғрисидаги аризасининг расмийлаштириши мумкин. Бу, товарларга бенефициар-мамлакатда А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари, инвойсдаги декларация ёки экспортёрнинг келиб чиқиш тўғрисидаги аризаси бириктирилган бириктирилмаганлигидан қатъий назар қўлланади.

## **86 Модда**

Рўйхатдан ўтган экспортёр бўлишга ариза

(Кодекснинг 64 (1) моддаси).

1. Рўйхатдан ўтган экспортёр бўлиш учун экспортёр, ўзининг доимий штаб-квартирасига эга бўлган ёки доим ишлаб турадиган бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органига ариза бериши керак.

Ариза 22-06 Иловада келтирилган шаклда берилади.

2. Рўйхатдан ўтган экспортёр бўлиш учун, Иттифоқ ҳудудида таъсис этилган экспортёр ёки товарни қайта жўнатувчи бу аъзо-давлатларнинг божхона органларига ариза бериши керак. Ариза 22-06 Иловада келтирилган шаклда берилади.

3. ПБТ (ЕИ) доирасида экспорт ва Норвегия, Швейцария ва Туркия преференциялар схемасининг мақсадлари учун экспортёрлар фақат бир марта рўйхатга олинган бўлиши керак.

Экспортёрнинг рўйхатга олинган рақами, Иттифоқ, Норвегия, Швейцария ва Туркиянинг ПБТ схемаларига мувофиқ экспорт қилиш мақсадида бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан экспортёрга берилади.

4. Рўйхатга олиш, бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари ёки аъзо-мамлакатларнинг божхона органлари 1 ва 2 бандга мувофиқ рўйхатга олиш тўғрисидаги тўлиқ аризани олган санасида кучга эга бўлади.

5. Агар экспортёр экспорт расмийчиликларини бажариш мақсадида намойиш этилган бўлиб, экспорт вакили ҳам рўйхатдан ўтган экспортёр бўлса, бу вакил ўзининг рўйхатдан ўтган экспортёр рақамини қўлламаслиги керак.

## **87 Модда**

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

Рўйхатдан ўтган экспортёрларнинг маълумотлар базаси: нашр этиш бўйича тадбирлар

Мазкур Регламент 70(1) моддасининг мақсадлари учун Комиссия ўзининг веб-сайтида бенефициар-мамлакатлар рўйхатдан ўтган экспортёрларнинг тизимини қўллаш бошлаш санасини нашр этади. Комиссия бу ахборотни янгилаб боради.

## **88 Модда**

Иттифоқ ПБТ схемасининг бенефициар-мамлакати бўлаётган мамлакат учун экспортёрларни автомат тарзда рўйхатдан ўтказиш.

(Кодекснинг 64 (1) Моддаси)

Мамлакат №978/2012 (ЕИ) Регламентининг II Иловасидаги бенефициар-мамлакатлар рўйхатига киритилган бўлса, Комиссия ўзининг рўйхатга олишнинг ПБТ схемаси учун шу мамлакатда рўйхатдан ўтган барча экспортёрларни, экспортёрларнинг рўйхатга олинган маълумотларидан REX тизимида фойдаланиш имкони бўлиши ва ҳеч бўлмаганда Норвегия, Швейцария ва Туркиянинг GSP схемалари учун кучга эга бўлиши шарти билан, автомат тарзда фаоллаштиради.

Бу ҳолда, ҳеч бўлмаганда ПБТ схемаси учун, ҳоҳ Норвегия, Швейцария ёки Туркия бўлмасин, рўйхатдан ўтган экспортёр Иттифоқ ПБТ схемасида рўйхатдан ўтиш учун ўзининг ваколатли органларига буюртма бериши керак эмас.

## **89 Модда**

Рўйхатдан ўтган экспортёрларни рўйхатдан чиқариш

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Рўйхатдан ўтган экспортёрлар ўзининг рўйхатга олиниши учун тақдим этган маълумотларидаги ўзгаришлар тўғрисида бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларини зудлик билан хабардор қилишлари керак.
2. ПБТ схемаси бўйича товар экспорти шартларига мос келмайдиган ёки ПБТ схемаси бўйича бундан буён товар экспорт қилиш нияти бўлмаган, рўйхатдан ўтган экспортёрлар бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларини хабардор қилишлари керак.
3. Бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтганликни бекор қиладилар, агар рўйхатга олинган экспортёр:
  - (a) бундан буён мавжуд бўлмаса;
  - (b) бундан буён ПБТ схемаси бўйича товар экспорти шартларига мос келмаса;
  - (c) бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларини бундан буён ПБТ схемаси бўйича товар экспортини амалга ошириш нияти йўқлиги тўғрисида хабардор қилса;
  - (d) нотўғри маълумотга эга бўлиб, преференциал тариф режими имтиёзларининг ноқонуний ишлатилишига олиб келувчи, келиб чиқиш тўғрисидаги аризани атайин ёки билмаган ҳолда тузса ёки тузишга мажбур қилса.
4. Бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органи ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари агар рўйхатдан ўтган экспортёр унинг рўйхатдан ўтишига тегишли бўлган маълумотларни янгиланган турмасида рўйхатдан ўтганликни бекор қилишлари мумкин.
5. Рўйхатдан ўтганликнинг бекор қилиниши келгусида, яъни бекор қилиниш санасидан кейин берилган келиб чиқиш тўғрисидаги ариза борасида кучга киради. Рўйхатдан ўтганликнинг бекор қилиниши рўйхатдан ўтган экспортёр бу ҳақда

хабардор қилинмагунича келиб чиқиш тўғрисидаги аризанинг кучга эгаллигига таъсир қилмайди.

6. Бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органи ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари рўйхатдан ўтган экспортёрни унинг рўйхатдан ўтганлиги бекор қилинганлиги ва бу бекор қилиниш кучга кириш санаси тўғрисида хабардор қиладилар.

7. Экспортёр ёки товар жўнатувчининг рўйхатдан ўтганлиги бекор қилинган тақдирда, улар суд ҳимояси воситаларидан фойдаланиш имконига эга бўлишлари керак.

8. Экспортёрнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш нотўғри бўлганда, бундай бекор қилиш кучдан қолдирилади. Бундай ҳолда экспортёр ёки товар жўнатувчи унга рўйхатдан ўтишда берилган рўйхатдан ўтган экспортёр рақамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

9. Рўйхатдан ўтганлиги бекор қилинган экспортёрлар ёки товарни қайта жўнатувчилар рўйхатдан ўтган экспортёр мақомини олиш учун мазкур Регламентнинг 86 моддасига мувофиқ янги ариза беришлари мумкин. Рўйхатдан ўтганлиги 3 (d) ва 4 бандларга мувофиқ бекор қилинган экспортёрлар ёки товарни қайта жўнатувчилар фақат, уларни рўйхатга олган бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органи ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларига уларнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилишга сабаб бўлган вазиятни тузатганликларини исботлаб берганларидан кейингина қайта рўйхатдан ўтказилишлари мумкин.

10. Бекор қилинган рўйхатдан ўтишга тегишли бўлган маълумотлар уларни REX тизимига киритган бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органи ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари томонидан бекор қилинган календарь йилдан бошлаб 10 календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда шу тизимида сақланиши керак. 10 календарь йил ўтгандан сўнг бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органи ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари бу маълумотларни ўчириб ташлайди.

## **90 Модда**

Мамлакат бенефициар-мамлакатлар рўйхатидан чиқарилганда рўйхатдан ўтган экспортёрларни автомат тарзда рўйхатдан чиқариш

(Кодекснинг 64 (1) моддаси)

1. Агар бенефициар-мамлакат №978/2012 (ЕИ) Регламентининг II Иловасидаги бенефициар-мамлакатлар рўйхатидан ўчирилган бўлса ёки №978/2012 (ЕИ) Регламентга мувофиқ бенефициар-мамлакатга берилган тариф преференциялари вақтинча бекор қилинган бўлса, Комиссия шу бенефициар-мамлакатда рўйхатдан ўтган барча экспортёрларни ўчириб ташлайди.

2. Агар бу мамлакат яна шу рўйхатга киритилган ёки бенефициар-мамлакатга берилган тариф преференцияларнинг вақтинча бекор қилиниши тўхтатилган бўлса, Комиссия шу мамлакатда рўйхатдан ўтган барча экспортёрларнинг рўйхатдан ўтганлигини қайта фаоллаштириши керак, шу шарт биланки, экспортёрларнинг рўйхатга олиниш маълумотларидан тизимда фойдаланиш имкони бўлади ва ҳеч бўлмаганда Норвегия, Швейцария ва Туркиянинг ПБТ



схемалари учун кучга эга бўлиб қолади. Акс ҳолда экспортёрлар мазкур Қоидаларнинг 86 моддасига мувофиқ рўйхатдан такрор ўтишлари керак.

3. Биринчи параграфга мувофиқ бенефициар-мамлакатда рўйхатдан ўтган барча экспортёрларнинг рўйхатдан ўтиши бекор қилинган тақдирда, бекор қилинган рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги маълумотлар REX тизимида бекор қилинган календарь йилдан бошлаб камида 10 календарь йил муддатда сақланади ва бенефициар-мамлакат 10 йилдан ортиқ Норвегия, Швейцария ёки Туркия ПБТ схемасининг бенефициар-мамлакати бўлмаганида, Комиссия бекор қилинган рўйхатдан ўтишлар тўғрисидаги маълумотларни REX тизимидан ўчириб ташлайди.

## 91 Модда

Экспортёрларнинг мажбуриятлари  
(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Экспортёрлар ва рўйхатдан ўтган экспортёрлар қуйидаги мажбуриятларга риоя қилишлари керак:

(а) улар, преференциал режимга жавоб берувчи ишлаб чиқариш ва товар етказиб беришга оид бўлган бухгалтерия тижорат ёзувларини керакли тартибда олиб боришлари керак;

(б) улар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материалларга тегишли бўлган барча далилларга эга бўлишлари керак;

(с) улар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материалларга тегишли бўлган барча божхона ҳужжатларини сақлашлари керак;

(д) улар келиб чиқиш тўғрисидаги ариза қилинган календарь йилнинг охиридан бошлаб камида 3 йил мобайнида ёки миллий қонунчилик талаб этса қуйидаги ёзувларни сақлашлари керак:

(i) улар берган келиб чиқиш тўғрисидаги аризани;

(ii) уларнинг келиб чиқадиган ва хориждан келиб чиқадиган материаллари, ишлаб чиқариш ва омборхонанинг счетлари.

Бу ёзувлар ва келиб чиқиш тўғрисидаги аризалар электрон шаклда сақланиши мумкин, ammo экспорт қилинаётган маҳсулотларни тайёрлашда ишлатиладиган материалларни кузатиш, уларнинг келиб чиқиш мақомини тасдиқлаш имконини бериши керак.

2. 1 бандда кўзда тутилган мажбуриятлар шунингдек, экспортёрларга етказиб берувчиларнинг, етказиб берилаётган товарларининг келиб чиқиш мақомини тасдиқловчи декларацияларини тақдим этувчи, етказиб берувчиларга ҳам қўлланади.

3. Келиб чиқиш тўғрисидаги қайта ариза берувчи товар жўнатувчилар, улар рўйхатга олинган олинмаганидан қатъий назар, келиб чиқиш тўғрисидаги ўрнига янги ёзилган дастлабки аризани, келиб чиқиш тўғрисидаги янги ариза ёзилган календарь йилдан кейин камида 3 йил ёки миллий қонунчилик талаб этса ундан ортиқ муддат сақлашлари керак.

## 92 Модда

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризага оид умумий қоидалар

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Келиб чиқиш тўғрисидаги ариза Иттифоққа экспорт қилиш вақтида ёки Иттифоққа экспорт кафолатланганлиги шарти билан расмийлаштирилиши мумкин.

Агар кўриб чиқиладиган маҳсулотлар бенефициар бўлган мамлакатдан ёки 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентининг 55(4) моддаси 2 кичик банди ёки шу Регламентнинг 55(6) моддаси 2 кичик бандига мувофиқ бошқа бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисобланса, келиб чиқиш тўғрисидаги ариза экспортёр томонидан бенефициар бўлган мамлакатда берилиши керак.

Агар тегишли маҳсулотлар кейинги ишлов берилмасдан ёки қайта ишлов берилмасдан ёки улар устида фақат 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентининг 47(1) (а) моддасида ифодаланган операциялар бажарилган ва бинобарин, мазкур Регламентнинг 55(4) моддаси 3 кичик банди ва 55(6) моддаси 3 абзацига мувофиқ ўзининг келиб чиқишини сақлаб қолган бўлса, келиб чиқиш тўғрисидаги ариза экспортёр томонидан бенефициар бўлган мамлакатда берилиши керак.

2. Келиб чиқиш тўғрисидаги ариза тегишли товар олиб кетилганидан сўнг ҳам расмийлаштирилиши мумкин (“ретроспектив ариза”). Келиб чиқиш тўғрисидаги бундай ретроспектив ариза, агар у эркин муомалага чиқариш учун божхона декларациясини бераётган аъзо-мамлакатдаги божхона органларига олиб чиқилгандан сўнг 2 йилдан кечиктирмай берилган бўлса кучга эга бўлади. Агар юкни бўлиш 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентининг 43 моддасига мувофиқ ва биринчи кичик бандда кўрсатилган энг охириги 2 йиллик муддатга риоя қилиш шарти билан амалга ошириладиган бўлса, келиб чиқиш тўғрисидаги ариза маҳсулот олиб чиқиб кетиладиган мамлакат экспортёри томонидан ретроспектив берилиши мумкин. Бундай қондан юкни бўлиш бошқа бенефициар-мамлакатда ёки Норвегия, Швейцария ёки Туркияда амалга ошириладиган бўлса қўллаш мумкин.

3. Келиб чиқиш тўғрисидаги аризани экспортёр Иттифоқдаги ўз буюртмачисига тақдим этилади ва 22-07 Иловада келтирилган маълумотларга эга бўлиши керак. У инглиз, француз ёки испан тилида расмийлаштирилган бўлиши керак. У манфаатдор экспортёр ва тегишли товарларни идентификациялаш имконини берувчи ҳар қандай тижорат ҳужжатида расмийлаштирилиши мумкин.

4. 1-3 бандлар Иттифоқда икки томонлама кумуляция мақсадида қилинган келиб чиқиш тўғрисидаги аризага қўлланади.

**93 Модда**

Кумуляция ҳолатида келиб чиқиш тўғрисидаги ариза

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Икки томонлама ёки ҳудудий кумуляцияда қўлланадиган материалларнинг келиб чиқишини аниқлаш мақсадида, кумуляция рухсат

этилган мамлакатдан келиб чиққан материаллардан тайёрланган маҳсулот экспортёри, шу материалларни етказиб берувчи тақдим этган, келиб чиқиш тўғрисидаги маълумотларга асосланиши керак. Бундай ҳолларда экспортёр тузган келиб чиқиш тўғрисидаги ариза, вазиятга қараб “ЕИ кумуляцияси”, “ҳудудий кумуляция” кўрсатмасига эга бўлиши керак.

2. 2015/2446 делегирланган регламентнинг 54 моддасига мувофиқ Кумуляция доирасида ишлатилаётган материалларнинг келиб чиқишини аниқлаш мақсадида Норвегия, Швейцария ёки Туркиядан келиб чиққан материаллардан тайёрланган маҳсулот экспортёри шу материалларни етказиб берувчи тақдим этган келиб чиқиш далилларига, бу далиллар Норвегия, Швейцария ёки Туркия ПБТнинг келиб чиқиш тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ берилганлиги шarti билан вазиятга қараб асосланиши керак. Бундай ҳолда экспортёр томонидан тузилган келиб чиқиш тўғрисидаги ариза “Норвегия кумуляцияси”, “Швейцария кумуляцияси”, “Туркия кумуляцияси” деган кўрсатмаларга эга бўлиши керак.

3. 2015/2446 Делегирланган регламентнинг 56 моддасига мувофиқ кенгайтирилган кумуляция доирасида ишлатилаётган материалларнинг келиб чиқишини аниқлаш мақсадида, кенгайтирилган кумуляция рухсат этилган томондан келиб чиққан материаллардан тайёрланган маҳсулот экспортёри бу материалларни етказиб берувчи тақдим этган далилга, бу далил Иттифоқ ва тегишли томон ўртасидаги эркин савдо тўғрисидаги битим қоидаларига мувофиқ берилганлиги шarti билан асосланиши керак. Бу ҳолда экспортёр томонидан тузилган келиб чиқиш тўғрисидаги ариза “х томон билан кенгайтирилган кумуляция” кўрсатмасига эга бўлиши керак.

#### 6 кичик бўлим

Иттифоқ ПБТ схмаси доирасида рўйхатдан ўтган экспортёр тизими қўлланиш санасигача қўлланадиган Иттифоқда эркин муомала учун чиқариш процедуралари

#### 94 Модда

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ёки инвойсдаги декларацияларни тақдим этиш ва ҳақиқийлиги ва уларнинг кечиккан тақдим этилиши

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ёки инвойсдаги декларациялар аъзо-мамлакатларнинг божхона органларига божхона декларациясига тегишли бўлган процедураларга мувофиқ тақдим этилади.

2. Келиб чиқиш далили экспортёр-мамлакатда берилган кундан бошлаб 10 ой давомида кучга эга ва кўрсатилган муддат ичида импортёр-мамлакатнинг божхона органларига тақдим этилиши керак.

Импортёр-мамлакатларнинг божхона органларига амал қилиш муддати ўтиб кетган тақдим этилган келиб чиқиш далиллари тариф преференцияларини қўллаш мақсадида қабул қилиниши мумкин, агар улар алоҳида вазиятлар туфайли белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса.

Кечиктириб тақдим этишнинг бошқа ҳолларида импортёр-мамлакатнинг божхона органлари келиб чиқиш далилларини маҳсулот божхонага кўрсатилган сўнги санагача тақдим этилгандагина қабул қилиши мумкин.

### **95 Модда**

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ва инвойсдаги декларацияларни алмаштириш

(Кодекснинг 64(1) Моддаси)

1. Агар эркин муомалага ҳали чиқарилмаган келиб чиққан маҳсулотлар аъзо-давлатнинг божхона органлари назоратига топширилган бўлса, у ҳолда бу божхона жўнатувчининг ёзма талаби бўйича дастлабки А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини ёки инвойсдаги декларацияни, бу маҳсулотларнинг барчаси ёки бир қисимини Иттифоқнинг бошқа мамлакатларига, шунингдек Норвегия ёки Швейцарияга жўнатиш мақсадида бир ёки бир неча А шаклдаги келиб чиқиш сертификатига (алмаштирилган сертификат) алмаштириши керак. Жўнатувчи ўз сўровномасида келиб чиқишнинг дастлабки тасдиғининг фотонусҳаси алмаштирилган сертификатга илова қилиниши керак-керакмаслигини кўрсатиши керак.
2. Алмаштирилган сертификат 22-19 Иловага мувофиқ расмийлаштирилади. Божхона алмаштирилган сертификат дастлабки келиб чиқиш сертификатига мослигини тасдиқлаши керак.
3. Агар сертификатни алмаштиришга сўровнома виждонли жўнатувчи томонидан қилинган бўлса, у келиб чиқишнинг дастлабки далилида кўрсатилган маълумотларнинг аниқлиги учун жавобгар бўлмайди.
4. Алмаштирилган сертификатни беришни сўраётган божхона келиб чиқишнинг дастлабки тасдиғида ёки унинг иловасида жўнатилаётган маҳсулотларнинг вазни, рақами, характерини ва улар мўлжалланган мамлакатни, тегишли алмаштирилган сертификат ёки сертификатларнинг серия рақамларини кўрсатиши керак. Келиб чиқишнинг дастлабки тасдиғи камида 3 йил сақланиши керак.
5. Кодекснинг 64(6) моддасига мувофиқ чекинишлар билан тариф преференциялари қўлланадиган маҳсулотлар учун бу моддада келтирилган процедура фақат бу маҳсулотлар Иттифоқ учун мўлжалланган ҳолдагина қўлланади.

### **96 Модда**

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатларини ёки инвойсдаги декларацияларни қўллаган ҳолда қисмлаб олиб кириш

(Кодекснинг 64 (1) моддаси)

1. Агар импортёр талабига кўра ва импор қилаётган аъзо-давлатнинг божхона органлари томонидан белгиланган шартларда, Уйғунлашган тизимнинг 2(а) талқин этишнинг умумий қондаси мазмунини бўйича йиғилган ёки йиғилмаган кўринишдаги ва XVI ёки XVII Бўлимларига ёки Уйғунлашган тизимнинг 7308 ёки 9706 товар

позицияларига кирувчи маҳсулотлар қисмлаб импорт қилинаётган бўлса, бундай маҳсулотларнинг биринчи партиясини олиб киришда уларнинг келиб чиқишининг битта далили тақдим этилиши мумкин.

2. Импортёр талабига кўра ва импор қилаётган аъзо-давлатнинг божхона органлари томонидан белгиланган шартларда, биринчи партия олиб кирилаётганда божхона органларига келиб чиқишнинг битта далили тақдим этилиши мумкин, агар товарлар:

(a) тижорат қиймати катта бўлган тез-тез ва узлуксиз савдо оқимлари доирасида импорт қилинаётган бўлса;

(b) битта олди-сотди шартноманинг субъекти бўлиб, бу шартноманинг томонлари экспорт қилувчи мамлакат ёки аъзо-давлат(лар) да белгиланган бўлса;

(c) Комбинациялашган коменклатурада битта код (саккизта рақам) билан таснифланса;

(d) фақат битта экспортёрдан келса, фақат битта импортёрга мўлжалланган ва шу аъзо-давлатнинг битта божхона органида расмийлаштирилса.

Бу процедура ваколатли божхона органлари белгилаган муддат ичида қўлланади.

## **97 Модда**

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини ёки инвойсдаги декларацияни тақдим этишдан озод қилиш

(Кодекснинг 64 (1) моддаси)

1. Хусусий шахслар хусусий шахсларга кичик упаковкалар кўринишида қисмлаб жўнатаётган ёки саёҳатчи шахсий багажининг бир қисми бўлган маҳсулотлар, ПБТ тариф преференцияларидан фойдаланувчи, келиб чиққан маҳсулот сифатида, А шаклдаги келиб чиқиш сертификати ёки инвойсдаги декларация талаб этилмаган ҳолда қабул қилиниши керак, агар:

(a) бундай маҳсулотлар:

(i) савдо орқали импорт қилинмаётган бўлса;

(ii) ПБТ схемасидан преференциялар олишга зарур бўлган шартларга жавоб берувчи деб эълон қилинган бўлса;

(b) (a) (ii) бандларда келтирилган таъкидларнинг ҳақиқийлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса.

2. Импорт савдо воситасида импорт сифатида қаралмаслиги керак, агар қуйидаги барча шартлар бажарилган бўлса:

(a) импорт тасодифий бўлса;

(b) импорт фақат олувчилар ёки саёҳатчилар ёки уларнинг оилалари томонидан фақат шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган маҳсулотлардан ташкил топган бўлса;

(c) маҳсулотларнинг кўриниши ва миқдоридан тижорат мақсадлари йўқлиги кўриниб турган бўлса.

3. 2 бандда кўрсатилган маҳсулотларнинг умумий қиймати упаковклар катта бўлмаганда 500 евродан ёки саёҳатчининг шахсий бағажига кирувчи маҳсулотлар бўлганда 1 200 евродан ошмаслиги керак.

### **98 Модда**

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатларидаги ёки инвойсдаги декларациялардаги номувофиқликлар ва расмий хатолар

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатида ёки инвойсдаги декларацияда кўрсатилган ва товарни олиб кириш учун расмиятчиликни бажариш мақсадида божхонага тақдим этилган хужжатларда келтирилган таъкидлар ўртасидаги кичкина номутаносибликлар ўз ҳолича сертификат ёки декларацияни ноҳақиқий қилмайди, агар мазкур хужжат тақдим этилган товарларга мувофиқлиги керакли тарзда белгиланган бўлса.

2. А шаклдаги келиб чиқиш сертификати, EUR.1 ҳаракатланиш сертификати ёки инвойсдаги декларациядаги аниқ расмий хатолар бу хужжатни рад этишга олиб келмаслиги керак, агар бу хатолар ушбу хужжатда келтирилган таъкидларнинг тўғрилиги борасида гумонлар уйғотмаса.

### **7 Кичик бўлим**

Рўйхатдан ўтган экспортёр (REX) тизими қўлланиш санасидан бошлаб Иттифоқ ПБТ схемаси доирасида қўлланадиган Иттифоқда эркин муомалага чиқаришдаги процедуралар

### **99 Модда**

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризининг ҳақиқийлиги

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. Келиб чиқиш тўғрисидаги ариза ҳар бир партия учун қилиниши керак.
2. Келиб чиқиш тўғрисидаги ариза у тузилган санадан бошлаб 12 ой мобайнида кучга эга.
3. Битта келиб чиқиш тўғрисидаги ариза бир нечта партиёга тегишли бўлиши мумкин, агар товарлар қуйидаги шартларга мувофиқ бўлса:
  - (а) улар Уйғунлашган тизимнинг 2(а) талқин этишнинг Умумий қондаси мазмунига кўра йиғилмаган ёки ажратилган кўринишда тақдим этилган;
  - (б) улар Уйғунлашган тизимнинг XVI ёки XVII бўлимлари ёки 7308 ёки 9406 позицияларига кирган; шунингдек,
  - (с) улар қисмларга бўлиб импорт қилишга мўлжалланган.

### **100 Модда.**

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризининг яроқчилиги

(Кодекснинг 64( 1) моддаси).

Импортёрлар келиб чиқиш тўғрисидаги аризани декларациялагандан сўнг ПБТ схемасидан преференциялар олиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун товарлар, товар чиқарилаётган бенефициар-мамлакат мазкур Регламентнинг 79 моддасига мувофиқ экспортёрларни рўйхатга ола бошлаган санасида ёки санасидан кейин экспорт қилиниши керак.

Агар мамлакат №978/2012 (ЕИ) Регламентида кўрсатилган товарлар борасида бенефициар-мамлакат сифатида қабул қилинаётган ёки қайта қабул қилинаётган бўлса, шу мамлакатдан келиб чиқаётган товарлар, улар бенефициар-мамлакатдан шу бенефициар-мамлакат мазкур Регламентнинг 70(3) моддасида кўрсатилган, рўйхатга олинган экспортёрлар тизимини қўллай бошлаган санасида ёки санасидан кейин чиқарилганлиги шарти билан, преференциялар бош тизимидан фойдаланиши керак.

## 101 Модда

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризани алмаштириш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Агар ҳали эркин муомала учун чақарилмаган келиб чиққан маҳсулотлар аъзо-давлат божхонасининг назоратига топширилган бўлса, жўнатувчи барча ёки айрим маҳсулотларни Иттифоқ ёки Норвегия ёки Швейцариянинг божхона ҳудудларининг бошқа жойларига жўнатиш мақсадида келиб чиқиш тўғрисидаги дастлабки аризани бир ёки бир нечта келиб чиқиш аризасига алмаштириши мумкин.

Алмаштирилган ариза 22-20Илованинг талабларига мувофиқ тузилади.

Келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризалар фақат келиб чиқиш тўғрисидаги дастлабки ариза мазкур Регламентнинг 92,93,99 ва 100 моддалари ва 22-07 Иловага мувофиқ тузилган ҳолдагина расмийлаштирилиши мумкин.

2. Қайта жўнатувчилар, Иттифоқ ҳудудининг бошқа ерларига жўнатиладиган, бўлиниши керак бўлган дастлабки партиядаги келиб чиққан маҳсулотларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошса, келиб чиққан маҳсулотлар борасида келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни тақдим этиш мақсадида рўйхатга олинган бўлиши керак.

Бироқ, рўйхатга олинмаган қайта жўнатувчилар, агар бўлиниши керак бўлган бошланғич партиядаги келиб чиққан маҳсулотларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошиб, бенефициар-мамлакатда расмийлаштирилган келиб чиқиш тўғрисидаги дастлабки аризининг нусхасини илова қилишса, келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни расмийлаштиришлари мумкин.

3. Фақат REX тизимида рўйхатга олинган жўнатувчилар Норвегия ёки Швейцарияга жўнатилаётган маҳсулотлар борасида келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни расмийлаштириши мумкин.

4. Алмаштирилган келиб чиқиш тўғрисидаги ариза дастлабки келиб чиқиш тўғрисидаги ариза тузилган санадан бошлаб 12 ой муддатда амал қилади.

5. 1-4 бандлар шунингдек келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларнинг ўрнига тузилган алмаштирилган аризаларга ҳам қўлланади.

6. Агар маҳсулотлар преференциялардан Кодекс 64(6) моддасида келтирилган четланишлар билан фойдаланаётган бўлса, шу моддада кўзда тутилган алмаштириш фақат бундай маҳсулотлар Иттифоқ учун мўлжалланган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

## 102 Модда

Декларант қўллаши керак бўлган умумий тамойиллар ва эҳтиёт чоралари

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Агар декларант ПБТ схемаси бўйича преференциал режим сўраётган бўлса, у эркин муомалага чиқариш учун божхона декларациясида келиб чиқиш тўғрисидаги аризага ҳавола қилиши керак. Келиб чиқиш тўғрисидаги аризага ҳавола унинг уууutmdd форматда чиқарилган санаси бўлиб, бунда уууу-йил, mm – ой, dd – кун. Агар жўнатилган келиб чиққан маҳсулотларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошса, декларант шунингдек рўйхатга олинган экспортёр рақамини кўрсатади.

2. Агар декларант 1 бандга мувофиқ, эркин муомалага чиқариш учун божхона декларациясини қабул қилиш вақтида келиб чиқиш тўғрисидаги аризага эга бўлмасдан, ПБТ схемасини қўллашни сўраган бўлса, бундай декларация Кодекснинг 166 моддаси мазсунига кўра тўлиқ бўлмаган деб қаралади ва тегишли тарзда талқин этилади.

3. Товарларни эркин муомалага чиқаришни эълон қилишдан аввал декларант товарлар мазкур кичик бўлим, мазкур бўлимнинг 3-9 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентнинг 2 бўлими 1 боби II бўлимининг 2 ва 3 кичик бўлимлари қоидаларига мувофиқ бўлишини таъминлаши керак, хусусан қуйидагиларни текшириш йўли билан:

(а) агар жўнатилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 6000 евродан ошса, барча фойдалана оладиган веб-сайтда экспортёр REX тизимида рўйхатга олинганлигини ва

(б) келиб чиқиш тўғрисидаги ариза 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентнинг 22-07 Иловасига мувофиқ расмийлаштирилганлигини.

## 103 Модда

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш мажбуриятдан озод этиш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Қуйидаги товарларга келиб чиқиш тўғрисидаги аризани тузиш мажбуриятдан озод этилади:

(а) хусусий шахслар томонидан жўнатилган умумий қиймати 500 евродан ошмайдиган, кичик упаковкалар кўринишидаги товарлар;

(б) саёҳатчиларнинг шахсий багажига кирувчи, умумий қиймати 1 200 евродан ошмайдиган маҳсулотлар.

2. 1 бандда келтирилган маҳсулотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

(а) улар савдо учун импорт қилинмайди;



(b) улар ПБТ схемасини қўллаш учун тегишли шартларга жавоб беради;

(c) (b) бандда эслатилган аризанинг ҳақиқийлиги борасида ҳеч қандай шубҳа йўқ.

3. 2 банднинг (a) кичик банди мақсадлари учун импорт савдо воситасидаги импорт сифатида қаралмайди, агар қуйидаги барча шартлар бажарилган бўлса:

(a) импорт тасодифий бўлса;

(б) импорт фақат олувчи ёки саёҳатчи ёки уларнинг оиласи шахсий эҳтиёжлари учун ишлатадиган маҳсулотлардан иборат бўлса;

(c) маҳсулотларнинг характери ва миқдоридан тижорат мақсади йўқлиги кўриниб турса.

#### **104 Модда**

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризалардаги номутаносибликлар ва расмий хатолар;  
келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларнинг кечикиб тақдим этилиши

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. Келиб чиқиш тўғрисидаги аризага киритилган маълумотлар билан товарни импорт қилиш борасида расмиятчиликларни амалга ошириш мақсадида божхона органларига тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида аниқланган кичик номутаносибликлар келиб чиқиш тўғрисидаги аризани ҳақиқиймас деб тан олинишга асос бўлмаслиги керак, агар ҳужжатнинг товарларга мувофиқлиги кераклича белгиланган бўлса.

2. Келиб чиқиш тўғрисидаги аризада нотўғри босилиб кетган ҳарфлар каби очиқ кўриниб турган расмиятчилик хатолари бу ҳужжатни рад этишга олиб келмаслиги керак, агар бу хатолар ушбу ҳужжатда келтирилган таъкидларнинг тўғрилигига шубҳа уйғотмаса.

3. Мазкур Қоидаларнинг 99 моддасида кўрсатилган амал қилиш муддати ўтгандан сўнг импортёр-мамлакатнинг божхона органларига тақдим этиладиган келиб чиқиш тўғрисидаги аризалар тариф преференцияларини қўллаш мақсадида қабул қилиниши мумкин, агар бу ҳужжатларнинг сўнгги муддатга тақдим этилмаслигига алоҳида вазиятлар сабаб бўлса. Кечиктирилган тақдим этишнинг қолган ҳолларида импортёр-мамлакатнинг божхона органлари, товарлар божхонага кўрсатилган сўнгги муддатгача тақдим этилганда, келиб чиқиш тўғрисидаги аризани қабул қилиши мумкин.

#### **105 Модда**

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларни қўллаган ҳолда товарларни қисмлаб олиб  
кириш

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. Мазкур Регламентнинг 99(3) моддасида кўрсатилган процедура аъзо-давлатларнинг божхона органлари белгилайдиган давр мобайнида қўлланади.

2. Аъзо-давлатларнинг кейинчалик эркин муомалага чиқаришни назорат қилувчи божхона органлари кейинги партиялар маҳсулотнинг, келиб чиқиш тўғрисидаги ариза тузилган, йиғилган ёки йиғилмаган қисмлари эканлигини текширади.

## 106 Модда

### Преференциялар қўлланишини тўхтатиш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Божхона органлари, агар уларда товарнинг келиб чиқиши борасида гумонлари бўлса, декларантдан, улар кўрсатиши керак бўлган оқилона вақт ичида, декларациянинг келиб чиқиши тўғрисидаги аниқликни ёки 2015/2446(ЕИ) Делегирланган Регламентнинг 43 моддасига мувофиқ шартларга мослигини текшириш мақсадида, мавжуд бўлган исталган далилларни тақдим этишини талаб қилиши мумкин.

2. Божхона органлари мазкур регламентнинг 109 моддасида белгиланган текшириш даврида преференциал тарифнинг қўлланишини тўхтатиб туриши мумкин, агар:

(а) декларант тақдим этган маълумотлар товарнинг келиб чиқиш мақомини ёки 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламентининг 42 моддаси ёки 43 моддасида ифодаланган шартларга мувофиқлигини тасдиқлашга етарлича бўлмаса;

(б) декларант 1 бандда кўрсатилган маълумотларни тақдим этишнинг белгиланган муддати ичида жавоб бермаса.

3. Декларантдан сўралган 1 бандда кўрсатилган маълумотларни ёки 2 бандда кўрсатилган текшириш процедураси натижаларини кутиш вақтида импортёрга зарур деб ҳисобланган эҳтиёт чораларини кўриш шарти билан маҳсулотни чиқариш таклиф этилади.

## 107 Модда

### Тариф преференцияларини беришни рад этиш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. Импорт қилувчи аъзо-давлатнинг божхона органлари қуйидаги ҳолларда бирор-бир қўшимча далилларни талаб қилиш ёки бенефициар-мамлакатга текшириш учун сўровнома юбориш заруратисиз тариф преференцияларини беришни рад этади:

(а) товарлар келиб чиқиш аризасида кўрсатилганлардан бошқача бўлса;

(б) декларант талаб қилинганда тегишли товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги аризани тақдим этмаса;

(с) мазкур Регламентнинг 78 (1) (б) ва 79 (3) моддаларига зарар етказмаган ҳолда декларант ихтиёридаги келиб чиқиш тўғрисидаги ариза, бенефициар-мамлакатда рўйхатга олинган экспортёр томонидан қилинмаган бўлса;

(д) келиб чиқиш тўғрисидаги ариза 22-07 Иловага мувофиқ расмийлаштирилмаган бўлса;

(е) 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган Регламент 43 моддасининг шартлари бажарилмаган бўлса.

2. Импорт қилувчи аъзо-давлатнинг божхона органлари 109 модданинг мазмуни бўйича бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органларига текшириш тўғрисидаги сўровномани юборгандан сўнг тариф преференцияларини тақдим этишни рад этади, агар импорт қилувчи аъзо-давлатнинг божхона органлари:

а) экспортёр товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги аризани расмийлаштириш ҳуқуқига эга эмаслиги тўғрисида жавоб олса;

(b) тегишли маҳсулотлар бенефициар-мамлакатда ишлаб чиқарилмаслиги ёки 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламент 42 моддасининг шартлари бажарилмаганлиги тўғрисида жавоб олса;

(c) келиб чиқиш тўғрисидаги аризининг ҳақиқийлиги ёки улар текшириши учун сўраганда декларант, кўриб чиқилаётган маҳсулотларнинг ҳақиқий келиб чиқиши тўғрисида тақдим этган маълумотларнинг аниқлиги борасида асосли шубҳа тўғилса ва агар қуйидаги шартлардан бирортаси бажарилган бўлса:

(i) улар мазкур Регламентнинг 109 моддасига мувофиқ рухсат этилган муддат ичида жавоб олмаган бўлса; ёки

(ii) улар сўровномада сўралган саволларга ноадекват жавоб олган бўлса.

## 8 Кичик бўлим

Иттифоқ ПБТ доирасида келиб чиқишни назорат қилиш

### 108 Модда

Ваколатли органларнинг рўйхатга олинган экспортёр тизими қўлланган санадан сўнг келиб чиқишни назорат қилиш бўйича мажбуриятлари

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. Товарларнинг келиб чиқиши мақомига тегишли бўлган қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари қуйидагиларни амалга оширади:

(а) аъзо-давлатларнинг божхона органларининг сўровномаси бўйича товарларнинг келиб чиқиши мақомини текашириш;

(б) экспортёрлар устидан ўз ташаббуси бўйича мунтазам назорат қилиш.

Биринчи кичик банд, Норвегия ва Швейцариянинг ҳудудларида қилинган, келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни текшириш учун, бу ҳукуматларга бенефициар-мамлакатда ваколатли органлар билан қўшимча алоқани ўрнатиш илтимоси билан мурожаат қилиш мақсадида, уларнинг ҳукуматларига юборилаётган сўровномаларга зарур бўлган ўзгартиришлар билан қўлланади.

Кенгайтирилган кумуляция фақат 2015/2446 Делегирланган регламентнинг 56 моддасига мувофиқ рухсат этилади, агар Иттифоқ билан эркин савдо тўғрисидаги битимга эга бўлган мамлакат, эркин савдо тўғрисидаги битимнинг тегишли қоидаларига мувофиқ аъзо-давлатларнинг божхона органларига маъмурий ҳамкорлик масалалари бўйича кўмак бераётган тартибда, бенефициар-мамлакатга худди шундай ўз кўмагини беришга рози бўлса.

2. 1-банднинг (b) кичик бандида кўрсатилган назорат воситалари экспортёрлар томонидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажаришларини таъминлаши керак. Улар хатарларни таҳлил қилишнинг тегишли мезонлари асосида белгиланган интервалларда ўтказилиши керак. Бу мақсадлар учун бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари экспортёрлардан улар берган келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларнинг нусхалари ёки рўyxатини тақдим этишларини талаб қилишлари керак.

3. Бенефициар-мамлакатларнинг ваколатли органлари исталган далилларни талаб қилиш ва экспортёрларнинг исталган счетларини, зарур бўлса унга товар етказиб берувчиларнинг счетларини, жумладан жойларда текшириш, ёки ўринли деб ҳисобланган бошқа исталган текширишларни ўтказиш ҳуқуқига эга.

### **109 Модда**

Келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларни ва келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни кейинги текшириш

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1. Келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларнинг ва келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларнинг кейинги текширилиши тасодифий равишда ёки ҳар сафар аъзо-давлатнинг божхона органларида уларнинг ҳақиқийлиги, тегишли маҳсулотларнинг келиб чиқиш мақоми ёки мазкур кичик бўлим, мазкур бўлим 3-9 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентнинг 2 бўлим 1 боб II бўлим 2 ва 3 кичик бўлимлари бошқа талабларининг бажарилишида асосли гумонлари бўлганда ўтказилади.

Агар аъзо-давлатларнинг ваколатли органлари бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органлари билан келиб чиқиш тўғрисидаги аризаларнинг ҳақиқийлиги, товарнинг келиб чиқиш мақомини ёки бошқаларни текшириш учун ҳамкорликни сўраётган бўлса, тегишли ҳолларда улар ўз сўровномаларида келиб чиқиш тўғрисидаги аризанинг ёки товарнинг келиб чиқишининг асосланганлиги борасидаги ўз гумонлари бўйича асосларни кўрсатади.

Келиб чиқиш тўғрисидаги ариза ёки келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризанинг нусхаси ва бунда келтирилган маълумотлар ёки келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган ариза нотўғри эканлигини кўрсатувчи бошқа исталган қўшимча маълумот ёки ҳужжатлар текшириш сўровномасига кўмак сифатида юборилиши мумкин.

Сўраётган аъзо-давлат текшириш натижаларини хабар қилишнинг дастлабки охири муддатни текшириш сўровномаси санасидан бошлаб 6 ой деб белгилаши керак, Норвегия ёки Швейцарияга, уларнинг ҳудудидан келиб чиқиш тўғрисидаги аризага асосан берилган, бенефициар-мамлакатда тузилган келиб чиқиш тўғрисидаги алмаштирилган аризаларни текшириш мақсадида юборилган сўровлардан ташқари, улар учун бу муддат 8 ойгача узайтирилиши керак.

2. Агар асосли гумонлар бўлганда жавоб 1 бандда кўрсатилган муддатда келмаса ёки жавобда маҳсулотнинг реал келиб чиқишини аниқлаш учун етарлича маълумот бўлмаса, ваколатли органларга такрор сўровнома юборилади. Бу хабарда 6 ойдан ошмаган қўшимча муддат белгиланиши керак. Агар иккинчи сўровномадан сўнг текшириш натижалари иккинчи сўровнома юборилган санадан

бошлаб 6 ой ичида сўраган органларга топширилмаса ёки бунатижа кўриб чиқиладиган хужжатнинг ҳақиқийлигини ёки кўриб чиқиладиган маҳсулотларнинг ҳақиқий келиб чиқишини тасдиқлаш имконини бермаса, сўраётган органлар тариф преференцияларини беришни рад этиш ҳуқуқига эга.

3. 1-бандда кўзда тутилган текширув ёки исталган бошқа маълумотларни текшириш келиб чиқиш қоидалари бузилганлигини кўрсатса, экспорт қилаётган бенефициар-мамлакат ўз ташаббуси билан ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари ёки Комиссиянинг илтимосига кўра тегишли текширувни ўтказди ёки бундай қоидабузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун зудлик билан бундай текширувларнинг ўтказилишини ташкил қилади. Шу мақсадда Комиссия ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари бундай сўровларда иштирок этишлари мумкин.

### **110 Модда**

А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ва инвойсдаги декларацияларни кейинги текшириш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

1. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари ва инвойсдаги декларацияларни кейинги текшириш оралатиб ёки ҳар сафар аъзо-давлатларнинг божхона органларида бундай хужжатларнинг ҳақиқийлигига, тегишли маҳсулотларнинг келиб чиқиш мақоми ёки мазкур кичик бўлим, мазкур бўлим 3-9 кичик бўлимлари ва 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентнинг 2 бўлим 1 боб II бўлим 2 ва 3 кичик бўлимлари бошқа талабларининг бажарилишида асосли гумонлари бўлганда ўтказилади.

2. Кейинги текширишга сўровнома беришда аъзо-давлатларнинг божхона органлари ваколатли шахсга А шаклдаги келиб чиқиш сертификати ва счет-фактурани, агар у тақдим этилган бўлса, инвойсдаги декларация ёки бу хужжатларнинг нусхаларини экспорт қилувчи бенефициар-мамлакатнинг ваколатли давлат органларига, зарур бўлганда текшириш сабабларини кўрсатган ҳолда қайтаради. Келиб чиқиш далилида келтирилган маълумотлар нотўғрилигидан далолат берувчи ҳар қандай олинган хужжатлар ва маълумотлар текширишга жўнатилган сўровномани тасдиқлашга юборилиши керак.

Агар аъзо-давлатларнинг божхона органлари текшириш натижаларини кутиш учун тариф преференцияларини тўхтатишга қарор қилса, у ҳолда импортёрга зарур деб ҳисобланган барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда маҳсулотни чиқариш таклиф этилиши керак.

3. Агар кейинги текширувга сўровнома қилинса, бундай текшириш ўтказилади ва унинг натижалари узоғи билан 6 ой ичида ёки Норвегия, Швейцария ёки Туркияга уларнинг ҳудудида А шаклдаги келиб чиқиш сертификати ёки бенефициар-мамлакатда тузилган инвойсга асосан берилган, келиб чиқишнинг алмаштирилган далилларини текшириш мақсадида сўровнома юборилганда, узоғи билан сўровнома юборилган санадан бошлаб 8 ой ичида аъзо-давлатларнинг божхона органларига тақдим этилади. Натижалар, сўз юритилаётган келиб чиқиш далилларни амалда экспорт қилинаётган маҳсулотларга қўллаш мумкин-

мумкинмаслигини ва бу маҳсулотларни бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан деб қараш мумкин-мумкинмаслигини аниқлаш имконини бериши керак.

4. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатлари икки томонлама кумуляция қўлланган ҳолда берилган тақдирда жавоб таркибида EUR.1 ҳаракатланиш сертификати (-лари)нинг нусҳаси (-лари) ёки зарур бўлганда, инвойсдаги тегишли делкрация(-лар)нинг нусҳалари бўлиши керак.

5. Агар асосли гумонлар бўлганда, 3 бандда кўрсатилган 6 ой ичида жавоб келмаса ёки жавоб таркибида кўриб чиқиладиган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ёки маҳсулотларнинг реал келиб чиқишини аниқлаш учун етарлича маълумот бўлмаса, ваколатли органларга иккинчи сўровнома юборилади. Агар иккинчи сўровнома юборилгандан сўнг, иккинчи сўровнома юборилган санадан бошлаб 4 ой ичида сўраётган органларга жавоб келмаса ёки бу натижалар кўриб чиқиладиган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини ёки аниқланиши керак бўлган маҳсулотнинг асл келиб чиқишини тасдиқлаш имконини бермаса, сўраётган органлар, алоҳида вазиятлардан ташқари, тариф преференцияларга бўлган ҳуқуқни беришни рад этади.

6. Агар текшириш процедураси ёки исталган бошқа маълумотлар келиб чиқиш қоидаларининг бузилганлигини кўрсатса, экспорт қилувчи бенефициар-мамлакат ўз ташаббусига кўра ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларининг илтимосига биноан тегишли текширувни ўтказди ёки бундай қоидабузарликларни аниқлаш ва олдини олиш учун зудлик билан текширув ўтказишни ташкил қилади. Бунинг учун сўровномаларда Комиссия ёки аъзо-давлатларнинг божхона органлари иштирок этишлари мумкин.

7. А шаклдаги келиб чиқиш сертификатини кейинги текшириш мақсадида экспортёрлар тегишли маҳсулотларнинг келиб чиқиш мақомини тасдиқловчи тегишли барча ҳужжатларни сақлайди, экспорт қилувчи бенефициар-мамлакатнинг ваколатли давлат органлари эса сертификат нусҳалари ва уларнинг берилишига асос бўлган экспорт ҳужжатларни сақлайди. Бу ҳужжатлар А шаклдаги келиб чиқиш сертификати берилган йил охиридан бошлаб камида 3 йил муддатда сақланиши керак.

#### **111 Модда**

Кумуляция воситасида келиб чиқишга эга бўлган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган, келиб чиқиш далилларини кейинги текшириш

(Кодекснинг 64(1) моддаси)

Мазкур Регламентнинг 73 ва 110 моддалари шунингдек Комиссия ёки аъзо-давлатларнинг божхона органларига маълумот тақдим этиш ва А шаклдаги келиб чиқиш сертификати ёки келиб чиқишнинг ҳудудий кумуляцияси қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган инвойсларни кейинги текшириш мақсадида битта ҳудудий гуруҳ мамлакатлари ўртасида ҳам қўлланади.

#### **9 Кичик бўлим**

Иттифоқ ПБТ схемаси доирасида қўлланадиган бошқа қоидалар

#### **112 Модда**

## Сеута ва Мелилья

(Кодекснинг 64( 1) моддаси)

1.

1. 2015/2446 (ЕИ) Делегирланган регламентнинг 41-58 моддалари Сеута ёки Мелильога экспорт қилинишда маҳсулотлар бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан ёки бенефициар-мамлакатга икки томонлама кумуляция мақсадида экспорт қилинишда Сеута ёки Мелильодан келиб чиққан деб қаралиши мумкин-мумкинмаслигини аниқлашда қўлланади.

2. Мазкур Регламентнинг 74-79 ва 84-93 моддалари бенефициар-мамлакатдан Сеутага ёки Мелильога экспорт қилинаётган, шунингдек Сеутада ва Мелильодан икки томонлама кумуляция мақсадида бенефициар-мамлакатга экспорт қилинаётган маҳсулотларга қўлланади.

3. 1 ва 2 бандларда кўрсатилган мақсадлар учун Сеута ва Мелилья битта ҳудуд деб ҳисобланади.